





ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

ДОНИ КҮЙШИНИНГ — КҮНГАЙ ТҮК

Фалла мустақиллиги масаласи мамлакатда аҳоли истеъмолига етадиган дон этиштириш билан бирга, сара уруғ, қолаверса, ундан тайёр ва сифатли нон, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш вазифасини илгари суради.

Соҳада корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳам жадвал олиб борилмоқда. 1997 йилда 259 та корхона ва иншоотлар давлат тасарруфидан чиқарилиди.

Шаҳри азимни уч-тўртта завод нон билан таъминларди. Бу заводларнинг ҳар бирида кунига 200-300 минг дон буханка нон пиширилди.

Нон шу заҳоти новвойхона қошидаги дўконларга чиқарилади. Ҳозир мамлакатимизда 500 дан зиёд шундай фирма дўконлари ишлаб турибди.

Сотиб олинган бўлса, иккинчиси билан Асакада қўшма корхона қурилди. У ҳозир бир кеча кундузга 25 тонна сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда.



Улар ўрнига турли қўшма корхоналар барпо этиляпти. Вилоят ва туманларда ҳам "Винклер" ва бошқа фирмалар технологияси билан жиҳозланган новвойхоналар қурилмоқда.

Ҳозир қўшма корхоналар барпо этиляпти. Вилоят ва туманларда ҳам "Винклер" ва бошқа фирмалар технологияси билан жиҳозланган новвойхоналар қурилмоқда.

РАҚОБАТ

Бозор иқтисодининг шартли шукки, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқара олмаган корхона синида.

Бозор иқтисодининг шартли шукки, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқара олмаган корхона синида.

КАТТАДАН КИЧИККА


Собик совет тузуми даврида асосан гигант саннат корхоналари қуриш одат тусига кирганди.

Савол туғилди: уларнинг аввалги нон заводларининг фарқи, афзалиги ниманда?

Савол туғилди: уларнинг аввалги нон заводларининг фарқи, афзалиги ниманда?

Имом Ал-Бухорий таваллудининг 1125 йиллиги олдидан

Самарқанддаги «Кимёкурилиш» акционерлик жамиятига қарашли I-қурилиш бошқармаси ишчи-хизматчилари ҳам таваллуд онлари яқинлашадиган Имом Ал-Бухорий ҳазратлари юбилейига атаб бунёдкорлик ишларини бошлаб қўйгандар.



Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Касаба уюшмаси ҳаёти: тажриба ва муаммолар

ҲАРАКАТГА ДАЪВАТ

оширишдаги ҳамкорлик самаралари шундай. Уч томонлама ижтимоий шерикчилик, меҳнат жамоалари томонидан қабул қилинаётган меҳнат шартномалари бажарилиши устидан касаба нозоратини қўйишнинг меҳнатчиларнинг ҳимоялашининг амалии ва таъсирчан воситасига айланди.

маҳсулотни ишлаб чиқарганлик, янги ҳосилни тайёрлаш, уни қайта ишлаш ажуралига кўра, соғлаш-тузатиш ишларида иштирок этганили учун мукофотлангандилар.

ушун касаба ташкилотимиз ҳам, маъмурият ҳам маблагни асло айлантирмай, — дейди Мукмова. — Бир йилда 20 киши турли санаторийларда селоматлигини тиклаб келди.

лари болалар бочқаларида, ёғни оромгоҳларда тарбиялангани учун бадал тўлашда, санаторий-профилакторийга йўланма олишда, илчи ошхонасида саломатлиги имтиёзлардан фойдаланиши.

Аввало, корхонада турли даражада оғир ва саломатликка учун зарарли ишларни бажариш учун устамалар, тракторчиларга қўшимча ҳақ тўлашини айтиб ўтиш керак.

Ғиждувон пахта тозалаш корхонасида техника хавфсизлигини таъминлаш ва меҳнатни муҳофазалашга йил сайин тобора кўпроқ маблаг сарфланапти.

Бухорода бундай жамоалар кўпайиб бормоқда. Чунончи, «Бухоротекс» акциядорлик жамияти касаба кўмитаси ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида амалда ошираётган ишлари ҳам ибратли.

Афсуски, бундай ҳолларда касаба кўмиталарининг қонуний муносабати ҳақида ҳам намоён бўлмаётган. Улар гоҳида келингувчиликка йўл қўймоқдалар. Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шугулланувчилар касаба аъзоллигига тўла жалб қилинмаган.

ЯХШИ НИЯТ

— Дада, дадажон, телеграмма... Ферма томон чошиб келадиган йигит мулла Сафарнинг урғачи ўғли Зафар.

гани йўқ деб. Онгимизни жиловлаб, кузимизни боғлаб қўйишган экан. Дунёда мана бунанга ишлар борлигини қаёқдан билардик?

— Мана, биласизми қаердан — Голландиядан, — Зафар ҳар бир сўзга ургу бериб, чертиб-чертиб гапирди.

Бу Ганс деганлари ҳам ўзимизга ўхшаган одам экан-ку. Кўнгли очик, дилкашлигини айтмайсизми — бир дунё.

— Ҳали шундай дегин, гапни чўзмай, қани, бу ёққа бери, — эндиликда Сафарбойнинг ҳам ҳолати ўзарди.

Капитализмда оддий меҳнатқаш ундай, бойлари бундай, деб тоза бу пишмаган каллани йўқ ерлардаги бекорчи гаплар билан тўлдиргани экан.

ГАНС САФАРБОЙГА ТАН БЕРДИ

нинг қўлидаги қўғозни шовшанича олди. Ҳажрон билан сатрларга кўз югуртирди. — Йиле-йиле, бундан қаранг, бу ўша Ганслар-ку, вей ошмаей, вей ўртоғимей.

бўларкан. Уй-жойларини айтмайсизми — шаҳарликларникидан ҳеч бир кам жойи йўқ. Худо берса, ишларим юришиб кетса, мен ҳам худди шу зайлда турмуш қураман.

Ҳа, Сафарбой ўшанда Ганснинг уйда яшайди, ундан иш ўрганди. Мол боқини шуларга чиқарган экан-да, деб аңқайган вақтларида.

Телеграмма инглиз тилида ёзилган эди. Сафарбой ҳам замон зайлига қараб имкон қадар ўрганди бу тилни.

Ҳай-ҳай унинг ишчанлиги, қўлни камроқ қимирлатиб, ақлни ниҳталаркан, юрагини қўшиб, муҳаббат билан, завқ ва иштиёқ билан ишларкан.

Сафарбой Голландиядан қайтаётганда ишнини бутунлай янгидан бошлашга қарор берганди.

Ҳай-ҳай унинг ишчанлиги, қўлни камроқ қимирлатиб, ақлни ниҳталаркан, юрагини қўшиб, муҳаббат билан, завқ ва иштиёқ билан ишларкан.

Сафарбой Голландиядан қайтаётганда ишнини бутунлай янгидан бошлашга қарор берганди.

қурик-танловда голиб чиқиб, совринларга сазовор бўлди.

Лекин жаҳон стандарти деган гап бор. Унга этиш учун ҳаракат яна ҳаракат даркор, тинмай интилиш керак. «Каллага кўпроқ юк орт, Сафарбой!» деб қўярди ўзига.

Ҳар юмушнинг вақти-соати бор, ҳисоби бор. Темирни қизига боссанг, марра сеник, бўлмас минг черан — нафи бўлмайдилар. Пухта ва аниқ ишла — ҳозирги талаб шу.

Танси аэропортда Сафарбой ҳўшунд ўзи кутиб олди. Худди туғишганлардек кучоқлашиб қўришиди.

Танси аэропортда Сафарбой ҳўшунд ўзи кутиб олди. Худди туғишганлардек кучоқлашиб қўришиди.

Танси аэропортда Сафарбой ҳўшунд ўзи кутиб олди. Худди туғишганлардек кучоқлашиб қўришиди.

Танси аэропортда Сафарбой ҳўшунд ўзи кутиб олди. Худди туғишганлардек кучоқлашиб қўришиди.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ.

Термиз туманида Дўлмонов номи жамоа ҳўжасини бор эди. Ишлари юрмасди.

«Икки яри минг гектардаги пахтастепа галласи уланмади. Ҳўсдорлар 7-10 центнердан ошмади. Қоқалок сурункали касаликка айланди.»

Бирлашган — ўзар

Ана шундай вазиятда «Дўстлик» жамоа ҳўжасини раиси Жўлмурот Ерматов «Дўлмонов»нинг узларига қўшиб олиш ҳақида ўз жамоасига ва ҳўкимликка таклиф қилди.

Қоқалок ҳўжаликни 80 миллион сўмлик қарин узиш керак. Сўв таъминотини, одамларга иш шартинини яхшилаш лозим.

Лекин таъаббус... удалланди. «Дўлмонов»нинг улаштирилганига учра қўлмаган ерлардан бу йил 20 центнердан лон олишди.

Пахтаининг ривожини дуруст. Энг муҳими, қарз бартараф этилади.

«Дўлмонов» бизда бир бўлим бўлиб «соғайиб қолди», — дейди Ерматов. — Соғломлик орзу-умидларининг, ишончининг сарчамаси. Энди бу ерда одамларнинг янаш ва ишлаш шартининг яхшилашга қарата кўп тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

О. УСАНОВ. «Жалқ сўзи» муҳбири.

Ж. САЪДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси қонғоши матбуот ва ахборот шўбасининг мудири.

Мамлакатимизда илк бор «Уста-шоғир: барҳаёт анъаналар» номи билан ўтказилган республика халқ бадий хунармандчилиги ярмаркаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ярим асрлик юбилейига ва Буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган эди. Мустақиллигимиз халқ хунармандчилигига мисли кўрилмаган кенг, раvon ва ойдin йўл очиб берди.

Бадий, анъанавий хунармандчилик санъати намуналари намояндalари орасида деовлик таниқли кулол Муҳаммадрасул aka Зухуровнинг ҳам ўрни тасодифий эмас. Ушанда биринчи республика халқ бадий хунармандчилиги ярмаркаси якунларини шарҳлаган мутахассис шундай эъзади: «Ўзбекистоннинг Самарқанд-Бухоро жағранг кулоллик мактабининг яна бир намояндаси Сурхондарё вилояти Денов шаҳрида яшовчи кулол Муҳаммадрасул Зухуровга БМТ гувоҳномаси берилди. Унинг буюмлари ранг ва услуб нуқтаи назаридан Уругт сополларига ўхшаш бўлса-да, шакл ва нақш жиҳатлари жанубий минтақамиздаги бадий хусусиятларга эга. Буюмларнинг жилдoли сиртларида гуё Сурхондарё кўёшининг жазирама нурлари мужасамлашгандек туюлади...»

Ха, эътироф бежиз эмас эди. Кўрғазмада Муҳаммадрасул Зухуров ясаган буюмларни кўздан кечирган БМТнинг Ўзбекистондаги ўша пайтдаги вакили Жаноб Ҳолид Малик «Бу сержило буюмлар 16 аср маҳсулот», деди.

Эътироф яна жонли тус олди. Ҳолид Маликнинг рафиқаси Картель хоним Денов ташриф буюрди. Муҳаммадрасул Зухуров маҳорати билан сайқал топган хунармандчилик буюмлари билан танишди. Шу жараёнда Картель Малик хоним кулол буюмлари ўз мамлакатига ҳам эътиборли эканлигини таъкидлаб шартномалар тузди.

— Шўро даврида ҳам кўрғазмалар бўларди, — дейди Муҳаммадрасул Зухуров. Лекин унда хориждагилар тугул, ҳатто ўзимиздагилар ҳам унчалик хабар топмасди. Тасаввурлар эса шунга яраша бўларди.

Камина Муҳаммадрасул Зухуров билан қарийб йигирма йиллик танишимиз. Иш жараёнларини кўп кузатганман. Бирда унинг яланг оёқ лой тепаётганини кўриб:

— Оёгингизга бирор нарса кийсангиз бўлмайми? — деганман. — Масалан, резин этик...

У сирли жилмайди ва рад маъносидан бош чайқайди. Юз ва бўйинини қоплаган маржон-маржон терларни карфти билан сидира-сидира лой-



Ойдin бекат

— Нафис буюқларни сойтиб оласизми? — сўрайман кулолдан.

— Кулолчилик менга ота касб. Отам уста Бадал номи билан юртга танилганди. Буюқларни тайёрлашни ҳам отамдан билиб олганман.

Яна ўзимча билганларим, эшитганларим, у ер-бу ерда ўқиганларимни эслайман. Дарвоқе, ҳатто Тошкент ку-

суҳбатимиз шоғирлар хусусида бўлди. Угли Бахрулло, Абдуллодан кўнгли анча тўлаётганидан фахрланди. Неваралари Абдулманнон, Абдумалик ҳам бобо касби сирларини ўрганишгаётган экан. Ҳозир мактаб ўқувчилари бўлган Раҳматулло, Абдуҳошим, Абдутолиб бўш пайтларида бобосининг кулолчилик устахонасидан нари кетмайдилар. Ўзлари ҳам, кўзлари ҳам кулолчиликка кўникапти.

— Ҳозир кексалик нафақасидан, — дейди Муҳаммадрасул Зухуров. — Оиламизга хусусий қилиб берилган корхонани фарзандларим бошқаришяпти. Лекин ишнинг бошида ҳар пайт ўзим тураман.

Халол меҳнат, фидоийлик бугун бизда ўз қадрини топиши муқаррар. Деновлик кулол Муҳаммадрасул Зухуров Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, ЮНЕСКО ва Ўзбекистондаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Ўзбекистон хунармандчилиги, жумладан, халқ амалий санъати анъаналарини давом эттиришга ҳамда ривожлантиришга қўшган ҳиссаси эъзага «Уста гувоҳномаси»ни қўлга киритди. Энг қувончлиси, М. Зухуров ўтган йили мустақиллигимизнинг 6 йиллиги тантаналари кунларида Президентимиз Фармонига кўра «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Зоир МАМАЖОНОВ, Сурхондарё вилояти.

# ЛОЙНИНГ «ЖОНИ» КУЛОЛДА

дан чиқди. Чой узатдим. У нафасини ростлагач:

— Халқимизда нақл бор, — деди. — «Туя ҳам муомалага чўқади», айтганингиздай, оёғимга этик кийдим. Унда тош ёки гиштнинг майда синиги билдирмай ўтиб кетади. Оёққа сезилмайди, кейин кўрасизки, тош ёки гишт бўлакчалари бор жой дарз кетади. Яланг оёқ билан лой тепкиламаган кулол омадини тасаввур қилмайман.

Уйга чўмдим. Мулоҳаза қилдим. XVI асрда юртимизга келган генуялик савдогарлардан бири ёзиб қолдирган: «Озиқ-овқат учун фойдаланилган, уйлари бевасти учун ишлатилган пишиқ гўзал идиш-товуқлар бу ерда гоёт мўл. Улар маҳсул лойдан ясалиб, ўтда тоблалаш йўли билан тайёрланади...»

Мана бу ҳам бор гап: хорижликлар ўзбек кулолчилик санъати маҳоратини

эгаллаша бел боғлашибди, барча жараёнларни кам-кўстиз уддаласалар-да, лекин уларнинг сопол буюмлари сал вақтга чидаш бермай, уқаланиб кетаверибди.

Бу ҳақда Муҳаммадрасул Зухуровга гап очдим. Шунда у болалик даврида отаси Юрчи қишлоғининг бир чеккасидаги ташландик боғни сотиб олганлигини эс-лади. Ушанда ҳамқишлоқлар бинойидай уй-жойлари бўлишига қарамай уларнинг кўчишига хайрон қолишибди. Кейин билишса, янги ҳовлининг тупроғи кулолбоп экан. Ҳозирда ҳам кулолчиликка хос ва мос тупроқлар Хисор тоғ тизмалари давоми бўлган Осмонтолаш, Керага, Сина, Вахшвор тоғлари этакларидаги қир-адирлар ҳамда сойликлардан ташиб келтирилади. Тупроқ танлаша Муҳаммадрасул Зухуровнинг кўзлари, дили, боринки, бутун вужуди — «лаборатория»га айланади.

лолчилик комбинатида ҳам буюқларни усталарнинг ўзлари, ота-боболаридан қолган мерос усулида тайёрлашади. Демак, ҳеч бир буюқ ўзимизнинг усталар тайёрлаганчалик кулолчилик буюмларига миллий сайқал беролмас экан.

Шу маъно ифодаси сифатида Муҳаммадрасул Зухуров хотирасида бир воқеа муҳрланиб қолган. Бундан йигирма йилча бурун сойиқ иттифоқ давлат этнографик музейи илмий котиби Гамбург Деновга меҳмон бўлиб келганида кулол Муҳаммадрасул Зухуров устахонаси билан танишди. Кулолнинг буюқ тайёрлашга киришиш жараёнига назар ташлагач, дастлаб: «Оддий, жуда оддий», деди. Турли металл ва бошқа жиҳозларни оқош билан ишқорга аралаштирилиб янчилиши ҳамда юқори оловда эритилиб, қайнатилишини кўрган эса бош чайқайди: «Оддий эмас экан...»

Кулол билан яна бир гап

## БОЛАЛИКНИНГ БЕГУБОР ЛАҲЗАЛАРИ



Кўнгил ҳамisha гўзалликка, болаликнинг бегубор онларига талпиниб ашайди.

Тоғ ёнбағирларидаги ёлғизоёқ сўқмоқлар, шарқираб оқаётган зилол сув ва айниқса, тоғ бағрида макон топган юз йиллик арчалар сизни табиатнинг энг фусункор онлари сари етаклайди. Бугун Оқтошда ана шундай фараҳли онлар ҳукмрон. Айниқса, дам олиш кунлари бу ерга ташриф буюрувчи-



ларнинг кети узилмайди. Гуё табиат барчани бирдай мафтун этгандай. Бу ернинг ҳавосидан нафас олсангиз, олис ва тақрорланмас болалигингизга қайтгандай бўласиз.

**СУРАТЛАРДА: Оқтош лаҳзалари акс эттирилган.**

**Р. НУРИДДИНОВ (ЎЗА) олган сурат лаҳзалар.**

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Бердах Қарабой ўгли таваллуди кўни олдидан Қорақалпоғистон Маданият ишлари вазирлиги ва бастакорлар уюшмаси маҳсул танлов эълон қилди. Қисқа муддатда шоир кўшиқлари матнига ёзилган ўнлаб кўшиқлар, драматик асарлар танлов ҳайъатига келиб тушди. Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон бўлими «Бердах — мусавирлар нигоҳида» мавзусида ҳам танлов эълон қилди.

**А. ИСКАНДАРОВ, ЎЗА мухбири.**

### ЎЗ СОЗ ЎТМОҚДА

«Қизилқуммент» ҳиссдорлик жамиятида корхона иши ва хизматчиларнинг фарзалари ёзи таъминли сермазми ўтказиши тўғрисида тақдир қўрсатишмоқда. Жўмадан, Навоий шаҳридаги 8-ўрта мактабда болаликнинг кундузи соғомлаштириш оромгоҳи ташкил этилаб, бу ерда 540 нафар ўғил-қиз таъминли мазмуни ўтказмоқда. Навоий тумани «Тегист» жамоа хўжалигида корхона ташкил этиш болалар оромгоҳида ҳўлтирманд ва кўп бола оилаларнинг 200 нафар ўғил-қиз жамият ҳисобидан дам олмақда.

**Ёрқул УМАР, ЎЗА мухбири.**

### Бардошлилар баҳси

## ЛАБЛАРИГА ҚАММ ТУТИБ...

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги «Ийк ота» жамоа хўжалиги маданият саройида «Мафтункор ранглар дунёси» Халқаро кўрик-танлов қатнашчилари ва меҳмонларини қарнай-сурнай садолари остида, «Энгранг» Халқаро жамғармаси ходимлари корейс миллий урф-одатларига хос равишда кўтиб олишди.

Марказий Осёе ноғирон болалари ўртасида учинчи мартаба ўтказилаётган ушбу нуфузли анжуманга мамлакатимизнинг Тошкент шаҳри ва барча вилоятларидан, Тожикистон, Қирғизистон Республикаларидан жами 44 нафар иштирокчи ўсири келди.

Жанубий Корейнинг Ин-на Медицина университет профессорси, доктор Ким Чанг Хванг, АҚШнинг Чикаго штатидаги Швеция госпитали, Америка Педиатрлар уюшмаси аъзоси, доктор Жозеф Сан Ким, Жанубий Корей Республикаси Миллий реабилитация Маркази (МРМ) доктори Ли Бум Сук, «Сеунг Кунг Хван» университети профессорси Пак Енг Кванлар ҳам ушбу анжуман меҳмони бўлишди.

Семинар якунлангач, иқтидорли ўсириларга расм чизиш анжумлари тарқатилиб, маданият саройи яқинидаги соя-салқин хиёбонада кўрик-танлов бошланди.

Кўрик-танлов ниҳоясида мутасаддилар барча меҳмонларни Тошкентнинг Санъат музейи ва бошқа диққатга сазовор хушманзара жойларини томоша қилишга таклиф этидилар.

Худди шу кун кечқурун кўрик-танловнинг ёпилиш маросимида голиблар ва совриндорлар эълон қилинди. Халқ таълими вазирлиги, «Соғлом авлод учун», Болалар жамғармалари, Ўзбекистон ноғиронлар жамияти совғалари ҳар бир қатнашчига тақдим этилди.

Гулистонлик 12 ёшли Нигора Эшбекова биринчи ўринни эгаллади. Нигорага «ДЭУ» рангли телевизор ва пул мукофоти топширилди.

Иккита иккинчи ўрин соҳиблари: Қарши шаҳрида яшовчи Рустам Алиқуллов (7 ёш), Самарқанд шаҳридан келган Лоҳин Турсуновга (12 ёш) «ДЭУ» видеомагнитофон, «ДЭУ» музика маркази ва ўн минг сўмдан пул мукофоти насиб этди.

Навоий шаҳридан ташриф буюрган Феруз Аҳмедов ноғиронлар аравачаси ва беш минг сўм пул мукофоти, Сурхондарёнинг Денов туманидан келган 14 ёшли Қудрат Мелибоев ҳамда тошкентлик Света Зиётдинова (10 ёш) сирати биттадан видеолеър ва беш минг сўмдан пул мукофоти олишди, учинчи ўрин соҳиб бўлишди.

Бухоро шаҳридан келган 13 ёшли Ситора Муродова кўрик-танлов «Маликаси» деб топилди ва «ДЭУ» музика маркази билан тақдирланди.

Конкурснинг «Энг ёш қатнашчиси» соврини Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида истиқомат қилувчи 6 ёшли Света Бужиловага насиб этди. Мутасаддилар Светани «Барби» кўгирчоғи билан тақдирладилар.

Бишкек шаҳридан келган 12 ёшли Оля Пак шахсий кўрғазма ташкил қилгани учун музика маркази билан тақдирланди.

Хўжаободдан ташриф буюрган 13 ёшли Миродил Болтабоев лабларида қалам тутиб расм чизганлиги учун Ўзбекистон ноғиронлар жамиятининг маҳсул «Матонати учун» соврини, «ДЭУ» рангли телевизор ҳамда Ижтимоий-таъминот вазирлигининг ноғиронлар аравачаси билан тақдирланди.

Акбар Йўлдошев, журналист.

## «ҚАЛДИРҒОЧЛАР»

Тошкент давлат кимё-технология институтида 26 нафар бухоролик, 21 нафар қарақалпоғистонлик битирувчиларга диплом топшириш ва уларни хизмат жойларига кузатишга бағишланган тадбир бўлди. Бундан уч йил муқаддам институт раҳбарияти билан Бухоро кимё-технология институти ҳамда Нукус давлат университети, Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш корхонаси, Қўнғирот сода заводида ишлаш учун мутахассислар тайёрлаб бериш борасида келишиб олишган эди.

Кеча сўнггида битирувчиларни институтнинг профессор - ўқитувчилари, ота - оналар катта ҳаётга йўлланма олганликлари билан қўтлашди.

**Ўз мухбиримиз.**

**«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» — ПОЧТА МАРКАСИДА**

Ўзбекистон маркаси» очик турдаги акциядорлар жамияти халқаро мусиқа фестивали бағишланган почта маркасини тайёрлади ва уни Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги муомалага чиқарди.

Эсингизда бўлса, фестиваль ЮНЕСКОнинг халқаро маданият тадбирларида киритилган бўлиб, у биринчи марта 1997 йил Самарқанд шаҳрида ўтказилган эди.

Бу катта анжуманга ўтиздан ортиқ давлатдан, юзлаб совиладлар, ижрончилар, бастакорлар ва мусиқашунослар қатнашдилар. Фестиваль дунё мусиқашунослари — айниқса, Фарбий Опрупо ва Америкада зур қизқиш уюғотди. Қатнашчилар ўзлари учун аввал номалум бўлган халқ мусиқа ижодиёти билан танишдилар.

Марка ва эмблема тасвирини тошкентлик мусавир С. Шарипов чизган. Марка кўк рангли, шарқ услубида яратилди.

**С. Ҳасанова.**

**РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ**

**«ОЛГАНГА ТЕКИН»**

Галюэяйлик фермер Антанас Тамулис маҳаллий ҳукуматга норозилик билдиришининг антиқа усулини топди. У Каунас туман ҳокимияти идораси олдига қанд лавлагини тоғ қилиб уйиб ташлади. Унинг талаби битта. Узи деҳқончилик қилаётган жойигача йўл очтириш. Бироқ Антанаснинг сўзларига ҳеч ким қулоқ солмапти. Утган йилги ҳосилининг ташиб ололмагани. Далада чириб кетди. Фермер бу йил ҳам 28 гектар майдонда деҳқончилик қилапти.

Аммо туман ҳокимияти иш бошқарувчиси қанд лавлагини идора олдидан ҳеч бир ташвишсиз йўқотди. Уюм устига «Олганга текин» деб ёзиб қўйганли, атрофдаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган аҳоли бир зумда ташиб кетишди.

**ДўСТИ СОДИҚ**

Боготалик Лопаснинг кўзлари ожиз бўлиб қолгандан кейин бу ёруғ олам-

да хотини, Лулаки ва мушуги Тарзандан бошқа яқин кишисизам, содиқ дўстим қолмади. Хотини ишда эди. Лопас мушугини оёқлантирмоқчи бўлиб, музлатгични очди. Қолбаса олиб бермоқчи эди. Шу пайт ёнида турган Тарзан лип этиб музлатгич полкасига чиқиб олди. Лопас бирор егулик тополмагач, ҳафсаласи пир бўлиб, ётоқхонасига қайтди. Ишдан келган Лулаки Тарзаннын сирли гоийб бўлганлигидан ажабланди. Чунки, мушук ташқарига чиқishi мумкин бўлган барча тешиклар берк эди-да. Келиб қолар деган умид билан овқат пиширмоқчи бўлиб, музлатгични очганли, ичкаридан яшиқиб отилган муз парчаси кўкрагига қаттиқ урилди. Лулаки тасодиф зарбидан ҳушидан кетиб йиқилди. Неча дақиқа ётганини билмайди, аммо кўзини очганида кўкраги устида ярим ях Тарзан ётар, унинг думи Лулакининг пешонасида эди.

**КўРҒАЗМАГА КўЙИЛГАН ЭМИШ...**

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги қарорига мувофиқ, 20 хил дори-дармон аҳолига чекланган чакана нархларда сотилиши керак. Лекин Термиз шаҳридаги турли мулк шаклидаги дорионалардан бундай дориларни харид қилмоқчи бўлсангиз, «Иўк, бу дори сотилмайди, текширувчилар учун кўрғазмага қўйилган» ёки «Узи биттагина қолган, қўтиси бўш» деган жавобни оласиз.

Вилоятда дорионалар иши кўнгилдагидек эмаслигини куйидаги фактлардан ҳам билса бўлади. 127 та хусусий дорионанинг 91 таси мослаштирилган биноларда жойлашган. Шундан 30 таси лицензияда кўрсатилган манзилда эмас, дориона эгасига қулай жойда кўним топган. Хусусий дорионаларда рецепт билан арзон, имтиёзли дори-дармон сотилмайди. Дорионаларда мутахассислиги бўлмаган кишилар ишлаётган ҳоллар ҳам учраб туради.

Бу камчиликларни тугатиш, мулк шаклидан қатъий назар, барча дорионаларда тартиб ўрнатиш, назоратни кучайтириш вақти келмадимикин?

**Чори ТўХТАЕВ, ЎЗА мухбири.**

**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жаббаров, С. Зинин, М. Миралматов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спиридонов, Р. Фарҳодий, И. Худоёров, И. Шогуломов, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўқаддан ушш тартиби № 00001 Буюртми Г — 0173, 34565 нуسخаи босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қораз бичими А—2 Газета ИВМ компьютеризда терилди ва оператор Сергей ДУЖИЙ томонидан саҳифаланди. Таҳририятда ҳажми 5 қоголди зинд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилади: 00.00 1 2 3 4 5 6

«МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — К. Эшматов. Навбатчи — Т. Абдурахмонов. Мусоҳаҳча — Ш. Машраббоев.